



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



VOL. 1, ISSUE 4
The Journal of Academic
Research and Trends in
Educational Sciences

ISSN 2181-2675 www.ijournal.uz

ARM MOVEMENTS OF ACADEMIC ROWERS

Imomaliyeva Dilora Xusniddin qizi¹

Uzbek State University of Physical Culture and Sport

KEYWORDS

rowing, rule, use of hands,
horizontal, vertical

ABSTRACT

This article describes the rules of rowing and academic rowing.

2181-2675/© 2022 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7038631

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Master of Uzbek State University of Physical Culture and Sport, Tashkent, UZB

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШУВЧИЛАРНИНГ ҚҮЛ ҲАРАКАТЛАРИ

КАЛИТ СҮЗЛАР:

академик эшкак эшиш,
қоида, қўлни ишлатиш,
горизонтал, вертикал

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада академик эшкак эшиш спорт турида эшкакни ушлаш қоидалари ва эшкакни.

Академик эшкак эшиш спорт турида эшкак эшувчининг қўллари ҳеч қанақа тортиш ишларини бажармаслиги керак. Умуман олганда, "қўлни ишлатиш" атамаси шартли равища қўлланилган. Бу қўлларнинг мушаклари томонидан бажариладиган ишни эмас, балки қўлларнинг ҳаракатларини тафсифлайди. Эшкакни эшиш пайтида қўллар, иложи борича, эркин бўлиши керак, худди кейинги эшиш ҳаракатига тайёргарлик, яъни куракнинг сувдан чиққан пайтида бўш бўлгани каби. Барча тортиш ишлари елка, юқори орқа, делтасимон, кенг орқа мушаклар томонидан бажарилиши керак.

Қўлларни ишлатиш ҳақида гапирганда, одатда, назарда тутиладиган икки бошли мушаклар мутлақо бўш бўлиши керак, яъни эшкак эшувчи қўлларини эгмасдан, балки бўш қўллари билан елкаси ва тирсагини орқага тортиши керак. Бошқача қилиб айтганда, тортиш ишларини бажаришда ишчи кучи елкада бажарилади, аммо ҳеч қандай ҳолатда тирсак бўғимлари ҳаракат қилмайди. Қўлларнинг эгилиши пассив равища содир бўлади. Эшкак эшувчи тирсагини орқасига тортади. Эшкак дастасини ушлайдиган панжа елка сингари айланма йўл бўйлаб ҳаракатлана олмайди ва натижатда тирсак кетидан тўғри чизиқли траектория бўйлаб ҳаракатланади. Шундай қилиб, қўлнинг букилиши содир бўлади, гарчи эшкак эшувчи қўлни эгмаса ҳам тирсакда эгилиш содир бўлади, яъни у ўз орқасида кимнидир туртиб туришни хоҳлаган холатдагига ўхшаш ҳаракатларни амалга оширади. Бундай ҳолда, билак эшкак дастасига перпендикуляр ҳолатда қолади. Қўл мушакларини ишлатган ҳолда бу тортиш ишини "кучайтириш" га уриниш керак эмас. Бунга сабаб нима?

Бунга сабаб: Қўл дастани ушлаб турганда, марказ эшкак вертлюгида жойлашганлиги сабабли, қўл фақат дастасинг айлана ёйи бўйлаб ҳаракатланиши мумкин. Агар, қўлни букадиган, икки бошли мушакнинг иши ҳақида гапирадиган бўлсак, у қисқарап экан, қўлни букади, ҳамда елка ва билакларни бир-бирига яқинлашишига олиб келади. Спортчи турникка осилиб, сўнг тортилганида икки бошли мушаклар бўш холатдан иш холатига ўтади. Бундай ҳолда, билак ҳаракатсиз бўлиб, ундан таянч нуқтаси сифатида фойдаланган икки бошли мушаклар елкани тортади. Агар спортчи қўлига бирор бир юкни олиб, билакни тортиб кўтарса, елкаси ҳаракатсиз бўлади; икки бошли мушаклар, уни таянч нуқтаси сифатида ишлатиб,

билакни ўзига тортади. Иккала ҳолатда ҳам икки бошли мушакларнинг қўзғалмас таянч нуқтаси мавжуд бўлади.

Эшкакни эшиш орқали, эшкак эшувчи эшкакларни бошқарадиган қўллари билан ўз ишини сезади ва ҳис қилади. Шундай қилиб, фақат "эркин қўллар" ёрдамида эшкак эшувчи мукаммал ишларни бошқариш ва тўғрилашга имкон берадиган ҳиссиётларни қабул қилиши мумкин. Кучли тарангликдаги ва сиқилган қўллари билан эса у бошқарувни йўқотади. Шу жихатдан ҳам ушбу холат эшкакни тортишда қўл мушакларидан фойдаланишга уринишдан воз кечишга мажбур қиласди.


Дастани горизонтал равища тортуб олиш билан бир қаторда, эшкак эшувчи вертикал йўналишдаги эшкак эшиш ҳаракатларини ҳам бажариши керак: яни эшиш бошида эшкакни сувга киргизиш ва эшишнинг охирида сувдан эшкакни чиқариб олиш учун дастани босиш. Қаршиликка дуч келмайдиган ва шунинг учун сезиларли куч сарф қилмасдан бажариладиган бундай ҳаракатлар ўз вақтида тезкорлик ва чақонлик билан бажарилишини талаб қиласди. Ушбу ҳаракатлар фақат қўл мушаклари томонидан бошқарилади. Эшкакларни сувга ботириш икки бошли мушаклар ёрдамида билакни тирсагидан юқорига кўтариб амалга оширилади, уч бошли мушак ёрдамида билакни тирсакдан пастга тушириш орқали эшкаклар сувдан чиқарилади.

Барча горизонтал кўчишлар - орқа мушак ёрдамида, барча вертикал ҳаракатлар - қўл мушаклари томонидан амалга оширилади. Даста ҳаракатларини бошқариш функцияларининг бундай қатъий равища тақсимланиши даста ҳаракати кетма-кетлигининг текис ва узлуксизлигини таъминлайди. Агар горизонтал ва вертикал ҳаракатлар бир хил мушаклар - қўл мушаклари томонидан бошқариладиган бўлса, у ҳолда бирон бир ҳаракатни бошлашдан олдин, олдингисини тугатиш ва тўхтатиш лозим бўлади. Бундай ҳолда, эшкакнинг ҳаракати пайтида паузалар ва тўхташлар пайдо бўлади, эшкак эса сувга ботади.

Вертикал ва горизонтал ҳаракатларни бошқариш турли мушак гуруҳлари ўртасида тақсимлашланиши, эшкак эшиш давомида горизонтал ва вертикал ҳаракатларнинг алмашинишини бир вақтда амалга оширишга, ҳаракатларнинг доимийлигини таъминлашга ва эшкакнинг айланма (ритмик) траекториясини хосил қилишга имкон беради.

Бундан ташқари, қўллар эшиш вақтида яна бир ҳаракатни амалга оширади: яъни эшиш охирида (эшкакни сувдан чиқариш вақтида), дастани бўйлама ўқи атрофида 90° атрофида айлантиради (айлантириш фақат куракнинг пастки қирраси сувдан чиққанидан кейин бошланиши керак, яъни курак сувдан вертикал равища чиқиши керак). Куракни сувга ботиришдан олдин дастани яна "айлантириш" керак. Бунинг учун дастани бармоқлар билан ушлаш лозим. Дастани қўллари билан маҳкам ушлаш билакларнинг қисилишига ва шишишига олиб келади. Шунинг учун, даста тўртта бармоқда ушланади (тоқ эшкакларда- бош бармоқ дастанинг пастиди, жуфт эшкакларда - даста четида). Кейинги эшиш ҳаракатига тайёргарлик бошида эшкакнинг бўйламасига айланishi кафт бўғимларида бармоқларнинг ҳаракати

били амалга оширилади. Улар бу вазиятда бироз очилмаганга ўхшайди, пастдан (ёки четидан) бош бармоқ билан даста бироз олдинга итарилади ва у бўйламасига айланиб бармоқларнинг асосидан биринчи фалангага силжийди. Ҳар қандай холатда ҳам билак бўғимининг букилишига йўл қўйилмайди, билак бўғими бу вазиятда ҳаракатсиз қолиши керак. (1-расм).



1-rasm. Кейинги эшиш вақтида дастани ҳаракатлантириш

Қўлнинг кафт бўғими ҳаракати билан эшкакни бўйламасига айлантириш эшиш охирида куракнинг сувда айланишига, сувни "сачратишга" ёки "чайқатишга", сузиш охирида эшкак ҳаракатининг вақтинчалик тўхташига олиб келади. Табиийки, эшкакни бундай бошқариш тавсия этилмайди.

Эшкак сувга киришидан олдин дастани "айлантириш" кафт бармоқларини бироз эгиш орқали амалга оширилади. Даста қўлда сирпанишсиз, бармоқларнинг олдинги бўғимларидан кафтнинг асосига айланиб силжийди, натижада курак вертикал ҳолатга келади. "Айлантириш", албатта, эшкакнинг тезлашиши пайтида, траектория бўйлаб ҳаракатини тўхтатмасдан амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, эшкак эшиш циклида дастасининг айланиш вақти ажратилмаган. Иккала ҳаракат ҳам - эшиш тугагандан сўнг ва эшиш бошлишдан олдин дастани айлантириш - эшкакларни тўхтатиб қўймасдан ўз йўллари бўйлаб ҳаракатланиш жараёнида амалга оширилади. Тоқ эшкакларни бошқаришда иккала ҳаракат (жуфт эшкакларда ҳам) - сиқиш (босиш) ва айлантириш - иккала қўл билан тенг равища амалга оширилади.

Эшкакни ушлаш қоидалари. Жуфт эшкак доимо дастасининг энг охиридан ушлаб турилади. Бош бармоғ эшкак учida ётиб, қўлнинг даста бўйлаб эшкак халқаси томон ҳаракатланмаслигини таъминлайди. Қўлнинг бу позицияси эшкакда максимал даста елкасини ва эшкак курагидаги максимал кучни таъминлайди. Тоқ эшкаклар билан эшишда "ташқи" қўл эшкак дастасининг энг охирида туриши керак.

Агар "ички" қўл "ташқи қўл" га жуда яқин жойлашган бўлса, у дастанинг энг фойдали қисмида ишлагандек туюлади. Бироқ, бу ҳолда, эшиш охирида "ички" қўл билан тортиш учун нокулай бўлган позиция яратилади. Эшкакчининг танаси дастага яқинлашганда унинг қўли "ташқи" елкага қарши, билак эса даста бўйлаб жойлашади. Билак дастага перпендикуляр жойлашса, қўл тортиш учун самарали эканлиги маълум. Хуроса қилиб айтганда, эшкакчи эшиш пайтида шундай ҳолатда туриши керакки, иккала қўлнинг билаклари дастага перпендикуляр бўлиши лозим. Шунинг учун, "ички" қўл, ишлайдиган елкада озгина пасайиш содир бўлишига қарамай, дастани "ташқи" қўлдан икки панжа кенглигига ушлаб туриши керак.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. В. М. Корбут. Эшкак эшиш назарияси ва услубияти. Тошкент – 2017
2. И. Я. Демьянов. Техника гребли. Москва – 1969
3. Р. Г. Исраилова. Эшкак эшиш спортида мусобақаларни ташкил ва ўтказиш. Тошкент – 2016
4. Ҳ. Д. Ибодуллаева. Қайиқ устидаги маҳорат. Гулистан – 2018